




ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЉИМ

3
—
2013



ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ
иљмий журнали
2000 йилдан бошлаб чиќа бошлаган

3
2013

ТАЪСИСЧИ
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Таҳрир кенгаши раиси и.ф.д., проф. Ваҳобов А.В.

Taxrirlari:

И.ф.д., проф. Ходиев Б., и.ф.д., проф. Бегалов Б., и.ф.д., проф. Абдурахмонов К., и.ф.д., проф. Алимов Р., и.ф.д., проф. Ахунова Г., и.ф.н., доц. Ахмедов И., и.ф.н., доц. Гадоев Э., Академик Гуломов С., и.ф.д., проф. Икромов М., и.ф.н. Тураев Б., и.ф.д., проф. Хасанов Б., и.ф.д., проф. Холмўминов Ш., и.ф.д., проф. Раҳимова Д., и.ф.д., проф. Иминов О., и.ф.н. Қўчқоров Ж., и.ф.д., проф. Қодиров А., Саидахмедов Ф.А., Назаров Н.К., Абдуллаев А.Н.

Бош муҳаррир и.ф.д., проф. Иватов И.

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университетининг «Иқтисодиёт»
нашриёти томонидан нашрга тайёрланган.

Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва
ахборот бошқармасида 02-0041-рақами
 билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-6130

© Иқтисодиёт ва таълим, 2013.

ТОШКЕНТ

МУНДАРИЖА

I. ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Темиров М.	Институционал ўзгаришлар ва иқтисодиётни зеркенлаштириш истиқболлари.....	4
Алматова Д.	Худудларда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришга инвестиция жалб қилиш масалалари.....	7
Кўшатов Р., Эрназаров О. Жуковская И., Егоров А.	Саноатда инновацион мухитни яратиш ва ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти.....	11
	Электронная коммерция - важный фактор современных международных отношений.....	15

II. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Ахмедов Т.	Эффективные методы по процессу управления на промышленных предприятиях.....	19
Нормуродов У.	Савдо корхоналари рақобатбардошлигининг мезонлари ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.....	22
Алимова М. Ўринов Б., Норова С.	Ўзбекистонда замонавий туристик хизматлар бозори ва истиқболи....	25
Эргашходжаева Ш., Маматова Ф.	Ўзбекистонда халкар туризмни ривожлантириш йўналишлари.....	29
	Ташки иқтисодий фаолият ва божхона ишида трансакция харажатлари ва уларни камайтириш йўллари.....	32

III. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ташматов Р.	Фермер хўжаликларида ердан фойдаланишни ривожлантиришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш.....	37
Беркинов Б., Рахманкулова Б.	Пахтачилиқда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашни эконометрик моделлаштириш.....	40
Эргашева Ш.	Сув хўжалиги тизимида маржинал таҳдил асослари.....	44

IV. МОЛИЯ ВА СОЛИК

Юлдашев А.	Амир Темур даврида молия - солик муносабатлари.....	50
Абдухалирова Л., Абдухалилов Н.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк тизими ва унинг барқарор иқтисодий таракқиётни ривожлантиришнинг ўрни ва роли.....	52
✓ Тоймухamedов И., Эльбусинова У.	Мамлакат қишлоқ худудларида уй-жой туризмларини молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари.....	55
✓ Абишов М., Утемуратов А., Пирниязова Г., Сапаев И.	Кўшилган қўймат солигининг воль дарражали структураси тўғри фойдаланиш.....	59
✓ Саттаров О.		
✓ Темирханова М., Муминов О.	Рейтинг тизими асосида банклар барқарорлигини баҳолаш методологияси.....	62
	Особенности учета затрат, формирующих себестоимость туристского продукта в туристском бизнесе.....	65
✓ Курбанкулова Н.	Соликлар бўйича қарздорлик сабаблари, оидийлари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўллари.....	70
✓ Ҳамраев М.	Қайтарилувчи тўлов асосида олий таълим жоннини молиявий таъминотини мустажкамлаш масалалари.....	73
Мавлянова Д.	Толлинг операциялари хисобени тикшераштирунча.....	76

лиш билан банд бўлган барча корхоналар, барча турдаги соликлар ҳамда мақсадли давлат фондларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинаётган барча қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловларидан озод этилгандир.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда қишлоқ қурилиши соҳасида жаҳонда тенгги йўқ ноёб тизим яратилди. Унга биноан, қишлоқларимизда қурилишлар ҳажми ортиб бориш билан бирга улардан келаётган маънавий натижаларининг ҳам жуда юкорилигини тасдиқлаб ўтиш ўринлидир.

Қурилаётган қишлоқ массивларида янгича асосда мулкдорлар синфи шакллан-

моқда, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгармоқда. Бунинг натижасида янги ва замонавий шароитларда ғояга етаётган, эски тузимнинг барча асоратларидан ҳоли бўлган ва келажакка қатий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, баркамол ўғил-қизлар етишиб чиқмоқда.

Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор ва мувозанатланган ривожланашини таъминлаш учун зарур бўлиб, мамлакатнинг юксак даромадли давлатлар қаторидан жой олишида муҳим аҳамият касб этади, деган умиддамиз.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов: "Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириши ва қиёфасини ўзгартириши ҳамда аҳоли ҳаётини сифатли яхшилаши омилни". //Халқ сўзи, 2013 йил 18 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августандаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтишига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПК-1167-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 17 июнданги ПК-1354-сонли "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтишига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.
4. www.Cbu.uz.
5. Демин, Ю. Всё о кредитах. Понятно и просто. –СПб.: Питер. 2007. 208 с. ил. (Серии «Управляй своими деньгами»).
6. Рашидов О.Ю., Тоймухamedов И.Р., Алимов И.И. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Т., 2008.
7. Рогожин, М.Ю. Жилищная ипотека: приобретение квартиры в кредит. –СПб.: Питер, 2004.
8. www.qichloqqrurilish.Bank.uz.
9. www.Cbu.uz.

**И.Ф.н. М. Абишов, ассис. А. Утемуратов,
ассис. Г. Пирниязова, И. Сапаев**

Қўшилган қиймат солигининг ноль даражали ставкасидан тўғри фойдаланиши

Мақолада иктисодиётни эркинлаштириш шароитида қўшилган қиймат солигининг ноль даражали ставкасидан тўғри фойдаланиш йўллари, соликка тортиш тизимида корхоналар зиммасига тушаётган солик юкининг оптималь даражасини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган.

В статье рассматриваются пути правильного использования нулевой степени ставок налога на добавленную стоимость в условиях либерализации экономики, определение оптимального уровня налогового бремени оплачиваемых предприятий в налоговой системе.

The article discusses the ways of proper use of the zero degree rates of value added tax in conditions of economic liberalization, determination of the optimal level of tax burden, which are the responsibility of the enterprises in the tax system. And also, the statistic data have been drawn.

Калитли сўзлар: Солик кодекси, солик тўловлари, солик юкини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, давлат иктисодий ўсиши, қўшилган қиймат солиги, акциз солиги.

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида соликка тортиш тизимида корхоналар зиммасига тушаётган солик юкининг оптималь даражасини аниқлаш долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Чунки айнан

иктисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига бевосита таъсир этувчи соликлар орқали рағбатлантириш мумкин.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини эркинлаштиришга, уларнинг молиявий аҳволин мутаҳкамлашга ҳамда солиқ соҳасида рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга қаратилмоқца. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, умуман олганда, сезиларли даражада иқтисодий ўсишга эришиш кўзда тутилган. Бу мақсадларга эришиш йўлида солиқлар ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи омил сифатида фаол қатнашади.

Солиқлар орқали хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган имтиёзлар кўпроқ ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилишига қаратилса мақсадга мувоғик бўлади. Чунки ишлаб чиқарувчilar ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали юқори фойдага эришишни кўзлайдилар. Ишлаб чиқариш ҳажми ошган сари бозордаги талабни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига мос равишда шакллантириб бориш керак. Бунинг энг самарали йўли маҳсулотнинг сотиш баҳосини пасайтириш ҳисобланади.

Ноль даражали ставка бўйича ҚҚСга тортиладиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш оборотлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси[1] 38-бобининг 212, 213, 214, 215, 216, 217-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ноль даражали ставкадан фойдаланиш шуни билдиради, ҚҚСга тортиладиган оборотларга 0 фоиз миқдоридаги ставка кўлланилади, яъни харидорларга сотиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар нархида ҚҚС бутунлай йўқ, нолга тенг.

Ноль даражали ставкани кўллагандан етказиб бёрувчilarга тўланган қўшилган қиймат солиғи, ҚҚС бўйича солиқ солищдан озод қилинган оборотлар (имтиёзли) учун кўзда тутилганидек, товарлар қийматига қўшилмайди, балки Солиқ кодексининг 39-бобида[2] кўзда тутилган тартибда ҳисобга қабул қилинади (қопланади). Бундай оборотлар қаторига қуидагилар киради:

- товарларни хорижий валютага экспортга реализация қилиш;
- товарлар (ишлар, хизматлар)ни чет эл дипломатик ваколотхоналари ва уларга тенг-

лаштирилган ваколотхоналарга расмий фойдаланиш учун реализация қилиш;

- “божхона худудида қайта ишлаш” божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш);

- халқаро йўналишда ташишлар;
- аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш.

Амалиётда корхоналар нолга тенг ставкаларни кўллагандан қуидаги хатоларга йўл кўядилар.

Биринчидан, ноль даражали ставка кўлланилмайдиган товарларни экспорт қилганда ёки Россия Федерациясига республика қонунчилигига кўра нолга тенг солиқ солиши кўлланиладиган, халқаро шартномада эса бошқача месёрлар кўзда тутилган товарларни етказиб берганда ноль даражали ставкани кўллаш.

Чунончи, товарларни экспорт килганда ноль даражали ставкани кўллаш учун:

- товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташкарига Солиқ кодексининг 213-моддасида[3] келтирилган хужжатлар билан тасдиқланиб, ҳақиқий олиб чиқиб кетилиши;

- экспорт қилинган товар учун тўлов хорижий валютада амалга оширилиши шарт.

Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида бошқача қоидалар ўрнатилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси хукумати билан Россия Федерацияси хукумати ўртасидаги “Ўзаро савдода эгри солиқларни ундириш тамойиллар ҳақида”ти Келишувда[4] кўзда тутилишича, экспорт божхона режимига жойлаштирилган, бир тараф давлатнинг божхона худудидан олиб чиқилган ва бошқа тараф давлати божхона худудидан олиб чиқилган ва бошқа тараф давлати божхона худудига олиб кирилган товарлар эгри солиқларга (ҚҚС ва акциз) ноль даражали ставкаларда тортилади, табии газ ва нефть, жумладан, барқарор газ конденсати бундан мустасно.

Шундай қилиб, Россияга табии газ ва нефтни, жумладан, барқарор газ конденсати экспорт килганда ўзбек корхоналари қўшилган қиймат солигини 20 фоизли ставкада ҳисоблайдилар, яъни бу ҳолда ҚҚСнинг ноль даражали ставкаси кўлланилмайди.

Иккинчидан, кейинчалик корхонада қоладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмасдан, “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса, ноль даражали ставка бўйича кўшилган қиймат солиги солинади.

Ушбу имтиёзни қўллаш учун қуидагилар зарур:

- мазкур хизматларни реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди тан олинниши;
- қайта ишлаш маҳсулоти Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиши.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, агар қайта ишлап маҳсулотлари кейинчалик Ўзбекистон ҳудидан олиб чиқилмасдан, “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига жойлаштирилса, бу товарларни қайта ишлаш бўйича иш (хизмат)лар 20 фоизли ставкада кўшилган қиймат солигига тортилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайта ишлаш учун олиб кирилган ва қайта ишлаш маҳсулотларини олиш учун фойдаланилган, “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига жойлаштирилган товарлар бўйича барча божхона тўловлари, шу жумладан, товарларни импорт қилишда тўланадиган кўшилган қиймат солиги ҳам тўланиши лозим.

Учинчидан, ҳалқаро ташувлар бўйича ноль даражали ставка қўлланилганда.

Шуни айтиш керакки, 2010 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт қилинаётган товарларни ташиш, юклаш, тушириш, қайта юклаш, экспедиция қилишга доир хизматлар, ишлар учун КҚС бўйича имтиёзлар бекор қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт қилинаётган товарларни ташиш, юклаш, тушириш, қайта юклаш, экспедиция қилишга доир хизматлар, ишлар белгиланган тартибда соликқа тортилиши керак.

Шу билан бирга, ҳалқаро йўналишда ташишларда ноль даражали ставка қўлланилади.

Ҳалқаро йўналишда ташишлар бўйича ноль даражали ставкани қўллашда асосийси, хизматларни реализация қилиш жойини аниқлашадир. Агар ҳалқаро йўналишда ташишлар бўйича хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса, бу хизмат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида соликқа тортилади, яни КҚС Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланади.

Солик кодексининг 202-моддасига[5] мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳалқаро ташувлар бўйича хизматларни реализация қилиш жойи, деб эътироф этилади, агарда бу хизматларни кўрсатувчи шахснинг тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилаётган бўлса. Бунда мазкур моддага кўра, релизация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси, деб эътироф этилган ҳалқаро ташувлар бўйича хизматлар ноль даражали ставкада соликқа тортилади.

Ноль даражали ставкада соликқа тортиладиган ҳалқаро йўналишда ташишларга қуидагилар киради:

- транзит юкларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ташиш;
- йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани ҳалқаро йўналишда ташиш.

Транзит юкларни ташиш жумласига юкнинг транзитини амалга ошириш учун чет эллик шахслар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар ёки ҳалқаро (идоралароро) транспорт битимлари ҳамда божхона органларининг мазкур транзит юклар ҳақиқатда олиб кирилганлиги ва олиб чиқилганлиги тўғрисида белгилари мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет эл транзит юкларини ташиш ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар киради.

Агар жўнатиш пункта ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридан жойлашган бўлса, ташишлар ягона ҳалқаро йўналишларда ташиш хисобланади. Бунда, агар ташиш бўйича хизматлар Ўзбекистон Республикасида жойлашган жўнатиш жойидан бошлаб кўрсатиласа ва етказиб бериш жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси чегерасида тутаса, ноль даражали ставка бундай ҳолларда қўлланилмайди. Масалан, корхона товарни экспорт килади ва юкларни ташиш бўйича темир йўл хизматларига ҳақ тўлайди. Бунда темир йўл

корхонаси юкни республика ҳудудидан ўз локомативида олиб ўтади. Чегерада юкни бошқа республика темир йўлининг бошқа корхонаси қабул қиласди. Корхона юкни ташиш учун ўзбек корхонасига 20,0 минг сўм ва хорижий корхонага 30,0 минг АҚШ доллари тўлайди.

Ушбу ҳолатда юкни ташиган ўзбек корхонаси учун ноль даражали ставка кўлланилмайди, чунки юкни жўнатиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, юкни етказиши жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида. Корхона хизматлар қийматига белгиланган тартибда КҚС хисоблаши керак ($20,0 \times 20\%$). Бунда юкни ташиш бўйича кўрсатилган хизматлар қиймати

республика ҳудудида КҚС билан 24,0 минг сўмни ташкил қиласди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, рағбатлантириш функцияси соликларнинг мухим функцияси бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиради, яъни солик юки камайтирилиши орқали ишлаб чиқариш ҳажми описишига, субъектлер молиявий аҳволи мустаҳкамланишига, инвестицион фаолиятини ҳаракатга келтиришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Соликларнинг рағбатлантириш функцияси орқали давлат иқтисодий ўсишни, соликлар юкини камайтириб, хўжалик юритувчи субъектлер эркин фаолият юритишини таъминлади.

Адабёйлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. 38 ва 39-боблар.
2. Ўша манба.
3. Ўша манба.
4. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасидаги “Ўзаро саебода эгри соликларни ундириши тамойиллар ҳақида”ги Келищув шартномаси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. 38 ва 39-боблар.

Доц. О. Саттаров

Рейтинг тизими асосида банклар барқарорлигини баҳолаш методологияси

Ушбу мақолада тижорат банклари барқарорлигини рейтинг тизимлари ва бошқа тизимлар орқали баҳолаш усуулларининг ўзига хос ҳусусиятлари кўриб чиқилган.

В данной статье рассматриваются особенности методов оценки устойчивости коммерческих банков через рейтинговые системы, а также другими системами.

The article covers peculiarities of commercial banks stability assessment methods through rating system as well as other assessing methods.

Калитли сўзлар: рейтинг тизими, кредит институтлари, молиявий барқарорлик, тижорат банклари барқарорлиги, баҳолаш методологияси, масофадан назорат, ташки назорат.

Тижорат банклари барқарорлигини баҳолашда уларнинг фаолиятини назорат қилувчи органлар турли рейтинг тизимларидан фойдаланишмоқда. Дунё банклари амалиётида энг кўп кўлланиладиган шундай рейтинг тизимларидан бири CAMELS рейтинг тизими. АҚШдаги З та молиявий ташкилот: Федерал резерв тизими, Молия вазирлиги ва Депозитларни сугурталаш корпорациясининг модели ҳисобланган бу тизим кредит институтлари фаолиятининг молиявий барқарорлигини баҳолашда кўлланилади[1].

CAMELS рейтинг тизимининг узок вақт фаолият юритиши ҳамда бошқа дав-

латлар томонидан кенг кўлланилишини таъминловчи ҳусусиятлари қуйидагилар:

- мавжуд ҳолатни аниқ баҳолаш, тасвирлаш ҳамда асосий элементларга аниқлик киритиш;
- молиявий барқарорликни белгиловчи асосий компонентлар мавжудлиги, яъни ҳусусий капитал, активлар, менежмент дараҷаси, даромад олиш, ликвидлик ва рискларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;
- банк молиявий барқарорлигининг ўсиши ва унинг ҳолатини кўрсатиб турувчи ҳар бир ҳолатни аниқлаш;

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ. 3 2013

Материаллар кўчириб босилаётганда «Иқтисодиёт ва таълим» журналидан олинганилиги кўрсатилиши шарт. Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланадилар. Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди. Таҳририятга юборилган кўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Муҳаррирлар: Мадумарова Г.Э., Йўлдошев З.Х.

Компьютерчи: Мансурова С.М.

Теришга берилди: 2013 й. 06. 22. Босишга рухсат этилди: 2013 й. 06. 28.

Бичими 70 x 108, 1/16. Офсет усулида ёзув қофозига босилди.

Шартли босма табоғи: 10,4. Нашриёт-хисоб табоғи 10,0.

Адади 1000 нусха. 180-сонли буюртма.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,
100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.
Мурожаат учун телефон: 232-63-44.

ТДИУ босмахонасида босилди